

СУРХОН ВОҲАСИ АҲОЛИСИНИНГ ЁЗ ВА КУЗ МАВСУМИ БИЛАН БОҒЛИҚ МАРОСИМЛАРИ ВА УРФ-ОДАТЛАРИ

Хайдаров Одил Эргашевич

Термиз давлат университети эркин тадқиқотчиси

hajdarovodil188@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Сурхон воҳаси аҳолисининг йил фаслларидан ёз ва куз фасли билан боғлиқ маросимлари ва урф одатлари, бу даврдаги маросимларнинг мажик мазмунини пишиб етилган ёки йиғиштириб олинган ҳосилга зарар етказиши мумкин бўлган табиий офатлар (қурғоқчилик, дўл, шамол) ҳамда ҳаёлий кучлар (ёмон кўз, ёвуз кучлар, инсужинс, сеҳр-жоду) дан ҳимоя қилиши ҳамда ҳосил йиғиштириши ва уни сақлаш билан боғлиқ анъаналари ҳақида маълумот берилади.

Калит сўзлар: саратон, асад, тарози, мезон, қавс, меҳржон, акраб, ҳулкар, жарқуровуқ, тўқсон, ўн икки юлдуз туркуми, чилла.

ABSTRACT

In this article, the rituals and customs of the residents of the Surkhan oasis are related to the summer and autumn seasons, the magical content of the rituals of this period, natural disasters (drought, hail, wind) that can damage the ripened or harvested crops, as well as imaginary forces (evil eye, evil information about protection from forces, insujins, magic) and traditions related to harvest and its preservation.

Keywords: Saraton, asad, libra, mezon, bracket, mehrjan, akrab, hulkar, jarkurovuq, ninety, twelve constellations, chilla.

АННОТАЦИЯ

В данной статье обряды и обычаи жителей Сурханского оазиса связаны с летним и осенним сезонами, магическим содержанием обрядов этого периода, стихийными бедствиями (засуха, град, ветер), которые могут повредить созревшие или собранные урожая, а также воображаемые силы (сглаз, злые сведения о защите от сил, инсудзин, магия) и традиции, связанные с урожаем и его сохранением.

Ключевые слова: саратон, асад, весы, мезон, скобка, меҳрджан, акраб, ҳулкар, жарқуровуқ, девяносто, двенадцать созвездий, чилла.

КИРИШ (ВЕДЕНИЕ / INTRODUCTION)

Ҳар қандай миллат маданиятида тарихий келиб чиқиши, элементларининг таркиби ва бажарадиган вазибаларининг хилма-хиллиги билан мураккаб бўлган ҳодисалар мавжуд. Уларнинг энг ёрқин ва ошкор этилиши тақвимий маросимларидир. Одамларнинг меҳнат фаолияти билан боғлиқ йиллик циклининг тақвим урф-одатлари ва маросимлари мураккаб ижтимоий ҳодиса бўлиб, ривожланишнинг турли босқичларида одамларнинг ижтимоий-сиёсий, тарихий, маданий, этник ва маънавий ҳаётини акс эттиради. Халқнинг маънавий ва моддий маданиятининг жамланган ифодаси сифатида тақвимий байрамлари этник ўзига хослик тамғасини ташиб, типологик жамоани, тарихий-маданий алоқалар ва алоқаларнинг таъсирини акс эттиради.

Сурхон воҳаси аҳолисининг тақвимий маросимлари таркибидаги ёз фасли билан боғлиқ маросимлар ҳам ўзига хослиги билан ажралиб туради. Йилнинг ушбу давридаги тақвимий маросимларга турли сайиллар ҳамда ҳосилни асраш ва йиғиштириб олиш билан боғлиқ маросимлар киради.

Ёз мавсумининг биринчи оғи Саратон ёзги куёш туриши куни-22 июндан бошланади. Саратон оғи халқ орасида «ёзги чилла» деб ҳам юритилади ва бу даврда ҳаммининг сувга эҳтиёжи кучаяди. Натижада тақвимий маросимлар тақибидидаги сув билан боғлиқ одатлар, сайиллар бошланади. Сувга бағишланган қадимий одатлардан бири Ўрта Осиёда байрам даражасига кўтарилган.¹

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОД (ЛИТЕРАТУРА И МЕТОД / LITERATURE REVIEW)

Сурхон воҳаси аҳолисининг ёз ва куз мавсуми билан боғлиқ маросимлари ва урф-одатларини таҳлили жараёнида ўзбек олимлари, хориж олимлари ҳамда Дала ёзувларидан фойдаланилди. М. Жўраевнинг “Ўзбеклар ойномаси”, З. Исоқовнинг “Фарғона водийси ўзбекларида деҳқончилик тақвими билан боғлиқ урф-одат ва маросимлар”, О.Бўриевнинг “Наврўз тарихидан лавҳалар”, У. Қорабоевнинг “Ўзбекистон байрамлари”, Э.Б. Тайлорнинг “Первобытная культура”, Абу Райхон Берунийнинг “Танланган асарлар” 1-томидан манба сифатидатаҳлил этилган. Сурхон воҳаси аҳолисининг ёз ва куз мавсуми билан боғлиқ маросимлари ва урф-одатларини ўрганишда дала ёзувлари билан бир қаторда ўзбек ва хориж олимларининг мақола ва асарларини чуқурроқ ўрганишни тақоза қилади.

¹Жўраев М. Ўзбеклар ойномаси // Фан ва турмуш. 1989. № 12.14-15-бетлар.

МУҲОКАМА (ОБСУЖДЕНИЕ / DISCUSSION)

Маълумотларга кўра ёзнинг энг иссиқ чилла вақтлари (июл бошлари)да Сурхондарё вилоятининг Денов ва Қашқадарё вилоятининг Китоб туманларида қадимдан сув сайли ўтказиб келинган. Китоб туманидаги «Оқ дарё»да ўтказилувчи сув сайли уч чоршанба куни ўтказилган. Бу тадбир ёзда «Оқ сув» (тожикча «Оби сафет»), «Лойқа сув» («Оби лойқа»), «Тескари сув» («Оби чаппа») каби номлар билан ҳам аталган².

Ёзфаслида Саратоннинг бошларида ўтказиладиган сайллардан яна бири «Тут сайли» ҳисобланади. «Тут сайли»ни ўтказиш давомида одамлар қиш учун керакли озуқа ҳозирлаганлар, шунингдек, ўйин-кулги қилишиб, дам олишган, томошалар ва мусобақалар уюштирганлар. Хуллас, тут сайли кишиларга моддий ва маънавий фойда келтирган. Ёзда ўзбеклар орасида ўтказиладиган навбатдаги тақвимий маросимлардан бири «қум сайл»и бўлиб, у шифобахш қумлар мавжуд бўлган ҳудудлар-Фарғона водийсида ва Хоразмнинг баъзи жойларида ўтказилган³.

Ўзбеклар ҳам қадимдан ғалла ўримига алоҳида масъулият билан қараб келганлар. Ўримни бошлашдан олдин бирор жонлиқ сўйиб қурбонлик қилиш одати мавжуд бўлган ва у «хайри худойи» деб ҳам номланган. Бу одат Аллоҳга қилинган хайр-эҳсон бўлиб, «худо йўли», «хатми қуръон», «дуо-ю фотиҳа», «қон чиқариш», «қурбонлик» деб ҳам аталган. Таниқли элшунос олим Э.Б.Тайлор хайри-худойи маросимларини худди илтижо ва дуолар каби инсониятнинг илк, энг қуйи босқич тараққиётига хос деб қарайди⁴.

Умуман, қурбонлик қилиш диний эътиқоднинг қадимий, илк шаклларида то замонавий, жаҳон динларига ҳам хос бўлган маросимдир. Ушбу маросимда қишлоқ оқсоқоллари, дин пешволари ва ўроқчилар иштирок этган. Дастлаб 5-6 та чўзма пиширилиб, «ис» чиқарилган. Сўнгра бирорта «жонлик» сўйилиб, қон чиқарилган ва «худойи оши» пиширилган. Маросим иштирокчилари таомни истеъмол қилганларидан сўнг қишлоқ муллasi «Қуръони Карим» оятларидан ўқиб Аллоҳдан, Бобо Дехқон ва азиз-авлиёлардан ҳосилнинг мўлбўлишини, хирмоннинг баракасини беришини, ёғингарчиликка қолмасдан ҳосилни йиғиштириб олишда мададкор бўлишларини сўраганлар. Қишлоқ оқсоқоллари ҳосил йиғимини бошлаб бериб, қишлоқ аҳолисини тезроқ ишлашга, ҳаракатни жадаллаштиришга даъват қилганлар. Хайри-худойи ўтказиладиган омадли,

²Дала ёзувлари Денов ва Узун туманлари 2021 йил.

³Исоқов З. Фарғона водийси ўзбекларида деҳқончилик тақвими билан боғлиқ урф-одат ва маросимлар // Ўзбекистон этнологияси: янги қарашлар ва ёндашувлар. - Тошкент, 2004. 205-208-бетлар.

⁴Тайлор Э.Б. Первобытная культура. - М: Политиздат, 1989. - С 35.

ҳосиятли кун олдиндан оқсоқоллар ёки халқ ҳисобдонлари томонидан белгилаб берилган. Ёзнинг охири, кузнинг боши яъни «бахмал мавсуми» байрам ва маросимларга бой бўлиб, бу мавсум халқ орасида «пишиқчилик, тўқчилик даври» дейилади⁵. Мазкур даврда «дон янчиш» ва «хирмон кўтариш», «шамол чақириш», «боғ сайли», «қовун сайли», «олма сайли», «узум сайли», «анор сайли», «меҳржон байрами», «ҳосил байрами» каби кўплаб байрам ва маросимлар ўтказилган⁶.

XX аср ўрталарига қадар тоғ аҳолиси ярим ўтроқ, ярим кўчманчи турмуш кечирганликлари учун кўкдамда яйловга, кузда қишлоққа кўчишар, чорва ҳам шунга қараб далага чиқарилар эди. Кўчиш олдиндан албатта кунни ўнглаб, кейин йўлга отланишган. Қишлоқларда кунни ўнг ёки чап эканлигини аниқлайдиган маҳаллий мунажжимлар бўлган. Улар юлдузларнинг ўрнига қараб қулай кунни кўрсатиб беришган. Юлдузнинг жойлашув ўрнини билиш ғоят нозик ва қийин масала эди. Негаки, юлдузни кўз билан кўриб бўлмайди. Уни фақат ойнанинг чиқишига қараб аниқлаш мумкин.

Маълумки, ёз фасли ўлкамизда дехкон, чорвадор ва боғбонларнинг меҳнати айни қизгин паллага кирган мавсум ҳисобланади. Бу даврда кишилар асосан далаларда, боғ-роғларда, ёзги яйловларда ўз юмушлари билан банд бўлишса-да, айни пайтда йилнинг бу фаслида ҳам муайян маросимларни ўтказишган.

Таникли олим М.Бойснинг кайд қилишича, зардуштийлар томонидан нишонланган еттита мавсумий байрамнинг иккитаси, яъни «Майдёй-шема» («ёзнинг ўртаси») ва «Паитишахйа» («Ғаллани ўриб-йиғиб олиш байрами») байрамларининг нишонланиш вақти айнан ёзга тўғри келган⁷.

Ёз пишиқчилик мавсуми бўлганлиги боис қадимда боғ-роғларда меваларни йиғиб-териш олиш, ишқомлардаги узумларни узиш билан боғлиқ маросимлар ҳам бўлган. Абу Райхон Берунийнинг ёзишича, сувлар Аши-хида ойнанинг 18 кунда «Бобахвара» маросимини ўтказганлар. «Бобахвара» сўзи «узумнинг сиқиб олинган тоза ширасини ичиш» деган маънони биддирган. Шу ойнанинг 26-куни суғд боғбонлари «Гарм-хвара», яъни «Узум ейиш» маросимини ҳам ўтказишган. Улар еттинчи ойнанинг 15-кунида ҳам узум ейишга бағишлаб тўққиз кун давом этадиган байрамни нишонлашга киришганлар. Шу каби маълумотларга асосланган У.Қорабоев «боғдорчиликка моҳир булган

⁵Дала ёзувлари Шеробод тумани Тарокли маҳалласи 2021.

⁶Бўриев О. Наврўз тарихидан лавҳалар. - Тошкент: Ўзбекистон, 1990. –Б. 64.

⁷Boyce M., 1985 - Boyce M. Encyclopedia Iranica. T.Y. - London, 1985. - p.48.

суғдийларда узумга ва узум шарбатидан тайёрланган мусалласга бағишланган яхлит бир тизимни ташкил этувчи байрам бўлган» деб ҳисоблайди⁸.

Ёз фасли деҳқончиликда сувдан самарали фойдаланиш мавсуми ҳисобланади. Шу боис, қадимда бу фаслда сувнинг мўл бўлишига магик таъсир кўрсатиш мақсадида муайян маросимлар ўтказилган.

Абу Райхон Берунийнинг қайд этишича, хоразмликлар Искандар мох ойининг 1-куни Амударё сувининг мўл-кўл бўлишига бағишлаб «Вахтангом» маросимини ўтказганлар. Амударё (Жайхун, Вахш) сувига бағишлаб ўтказилган бу маросимда одамлар дарё бўйига чиқишган ва чўмилганлар, бир-бирларини сувга пишишган, кун буйи сув бўйида ўйин-кулги қилганлар.

Сурхон воҳаси аҳолиси орасида кузги тенг кунликда ўтказилувчи қадимий тақвимий байрам «Меҳржон» деҳқон ва чорвадорларнинг энг тантанали тарзда ўтадиган байрамларидан бири саналган. Зеро қомусий олим Абу Райхон Беруний «Қуёш ва ой фалакнинг икки кўзи бўлганидек, Наврўз ва Меҳржон замоннинг икки кўзидир», Наврўз куни табиатда жонланиш бошланса, Меҳржон куни ўсувчи нарсалар «...ўсиш чегарасига етиб, ўсиш моддаларининг ундан узилиши ва ҳайвонларнинг наслланиши тўхтади...»деб бежиз айтмаган⁹.

Қадимдан «Наврўз» янги йил ва янги иш мавсумининг бошланиши сифатида танатана қилинган бўлса, «Меҳржон» ўсимликлар дунёсининг ўсишдан тўхтаб, «уйқуга кетиши» ва меҳнат мавсумининг яқунланиши сифатида байрам қилинган.

Ушбу қадимий байрам кейинги икки минг йил ичида алоҳида байрам сифатида нишонланмай қўйилган бўлса-да, у бутунлай йўқолиб кетмади.

«Меҳржон» куз ва ҳосил байрамига бўлиниб кетди. Ўзбекларда ҳосилни йиғиштириб олиш билан боғлиқ маросимлар турли туман бўлиб, улардан бири бу «қовун сайли»дир. Қовун сайли ўрта асрларда катта танатаналар билан ўтказилган. Қашқадарё воҳасида яшовчи зукко ўзбек деҳқонлар полиз маҳсулотлари пишган вақтида қишлоқ оқсоқоллари, қўни-қўшни ва ёру биродарларини қовун сайлига таклиф этади ва уларга полизнинг энг сара қовун-тарвузлари тортиқ қилади. Оқсоқоллар деҳқоннинг ҳосилига барака тилаб дуо қиладилар ва ҳосил йиғимида рухсат беришади. Ана шундан сўнг деҳқонлар сайлнинг ёшроқ иштирокчиларини қовун узиш учун ҳашарга таклиф этадилар. Ҳашар охирида ёрдамчиларга уйларга олиб кетиш учун энг яхши қовунлардан ҳадя қиладилар.

⁸Қорабоев У. Ўзбекистон байрамлари. - Тошкент: Шарқ, 2002

⁹Беруний Абу Райхон. Танланган асарлар. 1-том. - Тошкент: Фан, 1968. Б 118.

НАТИЖАЛАР (РЕЗУЛЬТАТЫ / RESULTS)

Сурхон воҳаси аҳолисининг турмуш тарзининг барча жараёнларида кўзга ташланувчи тақвимий маросимлар оилавий, хўжалик ҳамда ижтимоий ҳаётнинг маълум бир тартибда давом этишини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Улар одамларнинг кундалик турмушида суткани турли вақтларга бўлишда ва улар асосида бир кунлик ҳаётий жараёни тақсимлашда, турли хўжалик машғулотларининг бошланиши ва тугалланиши, шунингдек, жамоаларда ҳаётнинг бир меъёрида, маромда кечишида ҳам муҳим амалий аҳамият касб этади.

ХУЛОСА (ЗАКЛЮЧЕНИЕ / CONCLUSION)

Ўзбекларнинг ёз ва куз фасли билан боғлиқ маросимлари баҳор ва қишки даврлардагига нисбатан ўзининг мазмун-моҳияти билан фарқ қилади. Агар баҳор ва қиш фаслидаги маросимларда қишлоқ хўжалиги ишлари – ҳайдов, уруғ сепишга тайёргарлик ва ушбу юмушларни бажариш асосий ўринда турса, ёз ва куздаги маросимлар хўжалик машғулотларининг ниҳоясига етиши билан характерланади. Бу даврдаги маросимларнинг магик мазмунини пишиб етилган ёки йиғиштириб олинган ҳосилга зарар етказиши мумкин бўлган табиий офатлар (қурғоқчилик, дўл, шамол) ҳамда ҳаёлий кучлар (ёмон кўз, ёвуз кучлар, инсужинс, сеҳр-жоду)дан ҳимоя қилиш ташкил этади. Энг асосийси, келаётган қишга озиқ-овқат захираларини тўплаш биринчи даражали ҳисобланади. Ёзги урф-одат, маросим ва қарашларни икки гуруҳга ажратиш мумкин. 1) ёзги қуёш туриши билан боғлиқ тасаввурлар. 2) ўримнинг, қишлоқ хўжалик ишларининг тугаши билан боғлиқ. Ҳалла ўрими ёзги, қишлоқ хўжалиги юмушларининг тугалланиши эса кузги маросимларнинг марказида туради. Қолган жиҳатлар эса иккинчи даражали ҳисобланади. Шунингдек, деҳқончилик маросимларида йиғилган ҳосилни истеъмол қилишга қонуний тус бериш ҳамда келгуси йилда худди шундай ёки бундан-да яхшироқ ҳосил олиш учун олдиндан розилик олишга ўхшаш ғоялар етакчилик қилади. Биринчи ғоя янги ҳосилга бўлган табуни олиб ташлаш билан боғлиқ қадимий маросимлар замирида юзага келган бўлиб, нафақат деҳқончилик, балки чорвачилик ва овчиликка ҳам тааллуқлидир. Яъни, анъанавий ов мавсуми, чорвани мавсумий яйловларга кўчириш каби. Айнан мана шундай маро-симларда пирлар ва авлиёлардан мадад сўраб, уларга ниманидир тортиқ қилиш мавжуд бўлиб, бу масалага диний тус берилган. Иккинчи ғоя бирмунча хилма-хил шаклда бўлиб, бошқаларга нисбатан хурофийлик, магик ва анимистиклик кучлироқ. Бу – ерга ҳосилдорлик кучини янги олинган ҳосил орқали эҳтиётлаб олиб ўтиш ғоясидир. Масалан, «она

буғдой» га анимистик руҳ берилиб, у ҳосилдорлик тимсоли ҳам ҳисобланади. Ғалла ўримида сўнг ернинг ҳаётий қуввати «она буғдой» га ўтади ва баҳорги уруғ сепишда серҳосиллик кучи яна ерга қайтади, деб ҳисобланган. Биринчи чанок, пахта байрами, ҳосил байрами қабилар эса ёзги маросимларнинг трансформацияга учраган кўринишлари ҳисобланади.

REFERENCES

1. Жўраев М. Ўзбеклар ойномаси // Фан ва турмуш. 1989. № 12.14-15-бетлар.
2. Дала ёзувлари Денов ва Узун туманлари 2021 йил.
3. Исоқов З. Фарғона водийси ўзбекларида деҳқончилик тақвими билан боғлиқ урф-одат ва маросимлар // Ўзбекистон этнологияси: янгича қарашлар ва ёндашувлар. - Тошкент, 2004. 205-208-бетлар.
4. Тайлор Э.Б. Первобытная культура. - М: Политиздат, 1989. – С 35.
5. Дала ёзувлари Шеробод тумани Тарокли маҳалласи 2021.
6. Бўриев О. Наврўз тарихидан лавҳалар. - Тошкент: Ўзбекистон, 1990. –Б. 64.
7. Воусе М., 1985 - Воусе М. Encyclopedia Iranica. Т.У. - London, 1985. - p.48.
8. Қорабоев У. Ўзбекистон байрамлари. - Тошкент: Шарқ, 2002
9. Беруний Абу Райҳон. Танланган асарлар. 1-том. - Тошкент: Фан, 1968. Б 118.
10. Mustafayev, U. U. (2021). YANGI O‘ZBEKISTON: QADRIYATLAR VA FALSAFIY FANLARNING DOLZARB MUAMMOLARI BO‘YICHA AYRIM MULOHAZALAR. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1 (10), 568-577.
11. Mustafayev, U. U. (2021). TA’LIM BOZORI VA INTELLEKTUAL SOTSIAL “TOVAR” SIFATI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1(8), 218-226.
12. Мустафаев, У. У., & Мустафаева, С. У. (2022). ҲОЗИРГИ ТРАНСФОРМАЦИОН ЖАРАЁНЛАР ВА ЁШЛАР ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2(Special Issue 23), 697-706.
13. Мустафаев, У. У., & Мустафаева, С. У. (2022). ҲОЗИРГИ ТРАНСФОРМАЦИОН ЖАРАЁНЛАР ВА ЁШЛАР ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2(Special Issue 23), 697-706.
14. Mustafayev, U. U., Mustafayeva, S. U., & Haydarov, O. E. (2022). TURMUSHDAGI ISLOM: NAMOYON BO‘LISHI VA MOHIYATI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2(1), 914-921.